

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Қ.Бозоров	
Андижоннинг суғорилиш тарихига доир мулоҳазалар	81
У.Усаров	
XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ва ер-сув муносабатлари.....	85
Б.Шодмонов	
Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқишининг тарихий босқичлари.....	90

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.Акбаров	
“Кечиккан марҳамат” нинг бадиий ифодаси.....	98
Г.Қосимова	
Мемуар асарда муаллиф услуби ва ифода шакли	102
Б.Абдурахмонова	
Огаҳийнинг “Устина” ғазали матни устида ишлаш	105
В.Қаюмов, Б.Деҳқонов	
У.Ҳамдамнинг “Кўнглимдаги дарё” хикоясида дарё образи.....	110
О.Солиева	
Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (II қисм)	114

ТИЛШУНОСЛИК

Р.Сайфуллаева, П.Бобокалонов, Н.Ҳаятова	
Хорижий тилни ўргатишда психонейролингвистик ҳолат ва каноник модели гапларнинг ўрни	119
З.Алимова	
Ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган префикс ва суффикслар хусусида.....	124

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

М.Ахмедова	
Тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларида чет тилида касбий-коммуникатив компетенцияни шакллантириш масалалари	128
М.Шокирова, Н.Абдуллаева	
Талабаларнинг чет тилида коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг фаолиятга асосланган ёндашуви.....	132
У.Хайдарова	
Талабаларнинг ёзма ишларига билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг аҳамияти	136

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Ўнг томони номаълум бўлган иккинчи тартибли чизикли оддий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масала	140
В.Расулов, Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова	
Яримўтказгичларда эффектив гамильтонианнинг нодиagonal матрицавий элементлари ҳақида	143
Х.Муйдинов	
Қорақалпоғистон шароитида қорамол тери ости бўкаларининг турлари ва тарқалиши	147
Б.Усманов, Ш.Умурзакова	
Буғдой навлари сифатининг физик-кимёвий кўрсаткичлари	150
Ф.Юлдашев, Д.Обидова	
Ёшлар камолотида инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари	153
А.Мамаджанов	
Конституция – давлат ҳуқуқий тизимининг асоси	156
М.Шамсиева	
Ижтимоий ҳимоя инсон тараққиёти индексини белгиловчи асосий мезон сифатида	159

УДК: 82/89+8-1/8-313.1

“КЕЧИККАН МАРҲАМАТ” НИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ

ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ «ЗАПОЗДАЛОЙ МИЛОСТИ»

LITERARY INTERPRETATION OF THE “LATE BENEVOLENCE”

А. Акбаров

Аннотация

Мақолада султон Маҳмуд Ғазнавий ҳамда Фирдавсий ўртасида бўлиб ўтган мунозарали вазиятларнинг бадиий талқинлари таҳлилга тортилган.

Аннотация

В статье анализируются художественные толкования спорных ситуаций, имевших место между султаном Махмудом Газнави и Фирдоуси.

Annotation

In this article the literary interpretations of polemics between sultan Makhmud Gaznevi and Firdausi have been analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: тақдир, талқин, мунозара, таржима, шоир, ҳажвия, шоҳ, дoston, олтин, кумуш.

Ключевые слова и выражения: судьба, толкование, полемика, перевод, поэт, сатира, шах, поэма, золото, серебро.

Keywords and expressions: fate, interpretation, debate, translation, poet, irony, king, epic poem, gold, silver.

Санъат, илм-фан заҳматкашларига ҳомийлик қилиш ўрта асрлар Шарқ хукмдорларига хос олийжаноб фазилат эди. Ўрта аср Шарқ меценатларининг меҳр-мурувватлари туфайли ноёб санъат дурдоналари бизгача етиб келган. Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг Абулқосим Фирдавсий томонидан яратилган машҳур “Шоҳнома” эпопеясига бўлган муносабати Шарқ ва Ғарб ижодкорлари томонидан турлича талқин ва тавсиф этиб келинди. Буюк немис шоири Ҳайнрих Ҳайненинг ана шу баҳсли масалага бўлган муносабатига илмий аниқлик киритиш муҳим назарий ва тарбиявий аҳамиятга моликдир.

“Шоҳнома”-улуғвор эпопея. Ўрта аср Шарқ маданиятининг буюк адиби Абулқосим Фирдавсий ўз халқининг кўп минг йиллик тарихини шеърий тил билан қайта тирилтириб яратган ушбу асари ўз ичига пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар ва сомонийлар каби тўрт сулола тарихини, 50 подшоҳлик давридаги воқеалар, ҳар бири бир мустақил асар ҳисобланувчи 15 қаҳрамонлик ва ишқий-саргузашт дostonни, 150га яқин жангу жадаллар, 100дан ортиқ турли ҳажмдаги ҳикоя, афсона ва ривоятларни олади. Бу асарда мингдан зиёд катта-кичик персонажлар иштирок этади [1].

Шоир Эроннинг афсоналарини, форс

шаҳаншоҳларининг қадимги тарихини, мардлар жасоратини, тилсимларнинг сеҳрларини, довюррак жасур ботирларини, афсунлару, сеҳрларни ушбу асарга жам этди.

Гениал талант эгаси Абулқосим Фирдавсий буларнинг ҳаммасини яхлит мантиқий композицияга жойлаштирди. Чуқур ватанпарварлик руҳида ёзилган “Шоҳнома”да халқчил, умуминсоний инсонпарварлик ғоялари асосли ёритилганлиги сабабли асар турли миллат кишиларининг сеvimли асари бўлиб келмоқда.

Инсоният тақдирига қайғуриш, дўстликни, ватанпарварликни тараннум этиш Фирдавсийни жаҳоннинг буюк гуманистлари қаторига олиб чиқди, шуни назарда тутиб, форс-тожик адабиёти тадқиқотчилари “Шоҳнома”ни шоҳлар тўғрисидаги асар эмас, балки Шарқ адабиётининг шоҳ китоби, деб таърифладилар [2,89-92].

Юсуф хос Ҳожиб, Навоий, Бобур сингари ўзбек адабиётининг улкан намояндalари Фирдавсийни устоз деб билганлар. Мазкур асар ўзбекчага таржима бўлмасдан туриб халқимиз орасида маълум эди, унинг руҳи адабиётимизда кезиб юрарди. “Шоҳнома” сюжетлари ва қаҳрамонлари оғиздан-оғизга ўтиб, ўзбек фольклори намуналарида ҳам мустаҳкам ўрин олди.

XVII-XIX асрлар ичида эпопея Шоҳ Ҳижрон, Мулло Охунд Хомуший [1682], Нормуҳаммад

А. Акбаров – ФарДУ, педагогика фанлари номзоди, доцент.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Бухорийлар томонидан ўзбек тилига ўгирилган эди[2,89-92].

Дастлабки ўзбекча таржималар Фирдавсий (“Шоҳнома”) дostonларини халқ дилига янада яқин қилди. Бироқ, бирон бир таржима “Шоҳнома” тўғрисида тўлиқ тасаввур бера олмасди. Сабаби, биринчидан улар насрий йўлда ёзилган бўлиб, иккинчидан, инқилобгача бўлган таржималарда асар мазмуни, ғояларини ўзгартириб талқин қилиш, маълум маънода замоналаштириш тенденцияси кўзга ташланарди.

Аммо, оламда “Шоҳнома”га тенг келувчи буюк асарни топиш амри маҳол. “Шоҳнома” неча асарлардан буён жаҳон маънавий маданиятининг шоҳ асари бўлиб қолмоқда.

Таассуфки, “Шоҳнома”нинг ўзбек тилига таржималаридан биронтаси ҳам “Шоҳнома” моҳиятини тўла очиб беришга қодир эмас. Шунинг учун ўзбек китобхони бу оламшумул дурдона неъматлардан тўлақонли равишда баҳра ололмаётир[10,3].

Катта ҳажмли “Шоҳнома”нинг асосий услубий белгиларидан бири мухтасарликдир. Фирдавсий маҳорат билан ихчам, лўнда тасвирлар орқали шаклан қисқа, лекин мазмунан ёрқин ва таъсирчан байтлар ижод қилиб, ёрқин образлар ярата олган. Улуғ шоир маснавий майдонида маҳорат билан шундай ижод қиладики, унинг бирор байтини жойидан силжитиш мумкин эмас. Асарнинг ҳар бир байти ҳикматдай жаранглайди. Улар ўзаро муштаҳам алоқага эга бўлиб, воқеалар жараёнининг тасвирини фикран ихчам давом этишини тўла таъминлайди. Бутун-бутун дostonлар бошдан оёқ ана шундай ҳикматлар занжиридан ташкил топган.

Шунинг учун “Шоҳнома”ни таржима қилишда ихчамлаштириш мумкин, унинг

Schach Mahomet hat gut gespeist,
Und gut gelaunet sein Geist.

Базмини тугатиб, сўнг султон Маҳмуд
Ихтиёр айлади оромни маъсуд. (А.Шер)

Подшоҳ Муҳаммад базми тугади,
Қалбида муҳаббат ғунча тугади. (Х.Салоҳ)

Бу таржималарда султоннинг базми тугаганлиги, яхши тановулдан кейин шоҳнинг кайфияти кўтарилгани, А.Шерда “ором олмоқни ихтиёр айлаганлиги”, Х.Салоҳда эса “шоҳнинг қалбида муҳаббат ғунча тукканлиги” айтиб ўтилади. Ўзбекча таржималарда базм уюштирилгани, воқеликлар базмдан сўнг юз

алоҳида дostonларини, бобларини ажратиб олиш мумкин, лекин унинг ички тузилишига таҳдид қилиш, байтларнинг мантиқан кетма-кетлигини бузиш, байтларни камайтириб ёки кўпайтириб бериш мумкин эмас. Чунки орадан байт ташлаб кетилса, воқеаларнинг мантиқий оқимига путур етади, агар байт иккита-учта қилиб ўгирилса, тафсилийлик, чўзиқлик хосил бўладики, шуни эътиборга олиб, таржимонлар байтма-байт ўгириш принцигига амал қилганлар [2].

Байт маснавийда асосий бирлик асар маъносини ифодалайдиган энг кичик композицион яхлитликдир. Шу билан бирга, у синтактик-ритмик устун ҳамдир. Маснавий а-а, б-б...қофияланиш тартибига асосланган шеърий шакллардан бири. Ҳар икки мисраси алоҳида-алоҳида қофияланиб борадиган (банди икки мисрадан тузиладиган) шеърлар маснавий-иккилик дейилади [8,162].

Шарқ адабиётига мансуб дурдона асарларнинг аксарияти шеърий шакл бўлмиш маснавийда битилган. Маснавийни улў ўзбек шоири Алишер Навоий “васе майдон”, яъни имконияти чегараланмаган шеърий шакл дея тавсифлайди. Дарҳақиқат маснавий ҳажми қатъий белгиланмаганлиги унинг ифода имкониятларини беҳад кенгайтиради, эпик кўламни тўла қамрай олишини таъминлайди.

Бундан олдинги мақоламизда “Шоир Фирдавсий” шеърининг биринчи ва иккинчи қисмларида Фирдавсий тақдирига оид воқеа-ходисалар тавсифларини, фикр ва мулоҳазаларимизни баён этдик [11,66-69].

Шеърнинг учинчи қисми ўттиз олти байт, етмиш икки мисрадан иборат. Биз мақолада яна Хайриддин Салоҳ [4,156-162], Абдулла Шер [5,67-75] ва В.Левик [6,283-288] таржималаридан фойдаландик.

бераётгандек туюлади. Бироқ, Ҳайне матнида базмга ишора йўқ. Бизнинг назаримизда базмсиз тановулнинг ўзи бўлмайди, чунки шоҳнинг ҳар қандай тановули тантанали, худди байрамдагидек ўтади. Бу ерда муҳими шоҳнинг кайфияти чоғ бўлишидир. Ҳайне эътиборини ана шунга қаратган, уни жиддий

ташвишлардан бироз ҳоли қилиш, А.Шер айтганидек, “осуда дам олишини” мақсад қилиб қўйган эди. Х.Салоҳнинг “Подшоҳ Муҳаммад базми тугади, Қалбида муҳаббат ғунча тугади” таржимасига жиддий эътирозларимиз бор. Биринчидан, шоҳ сева олмайди, чунки унинг ҳарами аёлларга тўла (турли ёшдаги) бўлади, ҳатто балоғат ёшига етмаганлари ҳам бўлиши мумкин. Бу нарса уларда муҳокама қилинмайди. Бундай одамда қанақа муҳаббат бўлиши мумкин? Фақат ҳирс, шаҳзода ва маликаларни кўпайтиришдан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас. Иккинчидан, муҳаббат олий туйғу бўлиб, у барчага бир текис ато этилмайди, айниқса шоҳларга. Муҳаббат кенг маънода Яратганга, тор маънода эса, турли жинсга мансуб инсонларнинг бир-бирига бўлган туйғу ва муносабатидир. Учинчидан, агар шоҳнинг муҳаббати кишиларга яхшилик қилиш ниятини

Шу он туйқус:

Da plötzlich erklingt bei Lautenklang
Ein sanft geheimnisvoller Gesang.

Жўр бўлиб торга ногаҳон
Сеҳрли бир қўшиқ таралар ҳар ён. (А.Шер)

Сукунат бағрини чок этиб ноҳос
Сеҳрли қўшиқни янгратар бир соз. (Х.Салоҳ)

Ногоҳ янграган қўшиқ сўзлари шоҳнинг қулоғига етди ва қўшиқ сўзлари кимга қарашли эканлигини сўради. Шоир Ансорий қўшиқ сўзлари муаллифининг номини айтди ва шоҳнинг кайфиятини бузиб қўямаслик учун, “қайсар Фирдавсий” иборасини қўшиб қўйди. Ҳозир шоир она шаҳри Тусда қашшоқ, ночор ҳаёт кечираётганлиги, отасидан қолган бир кичик боғ шоирнинг рўзгорини тебратишга яраб турганлигини ҳам айтди. Маҳмуд Ғазнавий чуқур ўйга толди. Ана энди, эзгу амалга эшик очилди. Шоҳнинг буюк Фирдавсийнинг кўнглини олиш ва шу орқали халқ ҳурматини қозониш нияти бор эди. У бир тўхтамга келди. У Ансорийга зудлик билан отхонадан юзта хачир, эллик туя олиб, уларга олтин, қимматбаҳо матолар, кийим-кечак, уй-рўзгор буюмлари, турли аъло нав ичимлик ва

пайдо қилган бўлса, унда таржима билан муроса қилса бўлади.

“Im dämmernden Garten” боғда қоронғи тушаётганини англатади. Демак, кечки тановвуддан сўнг, қизил болишларга ястанган шоҳнинг кайфияти чоғ бўлди. Шоҳнинг кайфиятини кўтариш атрофга ва ундаги набототнинг гўзаллигига ҳам боғлиқ, албатта. Масалан, ёзнинг иссиқ кунларида фаввора, гулларнинг ифори, манзарали дарахтлар, пальма, сарв дарахтлари, умуман атроф манзаралари гаммаси шоҳнинг кайфиятини чоғ қилди. Ҳайне олампахоҳнинг кўнгли кўтарилишига ишора қилади. Шу орқали эзгу амалга, яхшилик қилишга шароит яратди. Ҳар галгидек шоҳ хизматкорлари ярим эгилиб, қўл қовуштириб, таъзим қилиб туришарди. Улар орасида шоҳ суйган шоир Ансорий ҳам бор эди.

ширинликлар юклашни амр қилади. Х.Салоҳ туялар сонини беш юзтага кўтариб қўйгани кишини ўйлантириб қўяди. Беш юз туяли карвон бизнинг назаримизда жуда катта бўлади, уни бошқариш ҳам мураккаб кечади. Бу ўринда В.Левик таржимасига мурожаат қилдик. Унда ҳам туялар сони элликта “полусотни”. Бу ҳол Х.Салоҳнинг эътиборсизлиги бўлса керак деган ўйга келдик. Шунга қарамасдан Х.Салоҳ ва А.Шер таржималари уларнинг машаққатли меҳнатларининг самараси бўлиб, ўқувчининг кўнглини яйратади, роҳат бағишлайди. Шулар қаторида шоҳ Ансорийга яна ўн икки нафар ишчан, бадани темирдек мустаҳкам, бақувват қора танли қуллардан олишни ҳам тайинлайди.

Und schwarze Sklaven, gleichfalls ein Dutzend,
Leiber von Erz, strapazentruzend.

Ўн икки қора тан қуллардан ҳам ол,
Ишчан бўлсин ушбу ўн икки ҳаммол. (Х.Салоҳ)

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ол занжи каниз ҳам ўн икки нафар,
Биринчтан, бақувват бўлсин чўрилар (А.Шер)

Ана холос, бу ёғини қандай тушунмоқ керак? Ҳайне ўн иккита танаси темирдек занжи қул деган, Х.Салоҳ ва В.Левикда ҳам ўн икки қора қул, бироқ, А.Шер таржимасида ўн икки нафар каниз, чўри деб айтилмоқда. Бу бизни чуқур ўйлашга мажбур қилади. Баъзи мақоламиз билан танишган ҳамкасабалар, канизлар Фирдавсийга керакми, нега у уларни қабул қилмаган бўларди, деган луқмалар қилишди. Бироқ, А. Шер бир ажойиб сўз қўллаганким, буни айтиб ўтмасликнинг иложи йўқ. “Бринчтан” сўзини биринчи ўқиган киши беихтиёр “биринчидан” деб ўйлаши мумкин, лекин мазкур сўзнинг “бринч” ва “тан” сўзларидан ташкил топганини ва “бронза”, “тан”, яъни “тани бронзадан” дегани эканлигини билганида, қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Бари бир нега А.Шер қул (эркак) ўрнига каниз (чўри) ларни танлаганлиги кишини ўйлантиради. Топган жавобларимиз бизни қониқтирмади. Жавоб ҳозирча жумбоқлигича қолди.

Шоир Ансорий бошчилигида карвон Ғазнадан Тус томон йўлга тушди ва саккиз кун деганда манзилга етиб келди. Шоҳ юборган карвон мусиқа, тантана билан шаҳар дарвозасига яқинлашди. Туя ҳайдовчилар бор овози билан “Ло илоҳо иллоллоҳ” ни айтиб шаҳарнинг Ғарбий дарвозасидан кира бошлашди. Бу Ҳайненинг ислом қадриятларига муносабати яхши бўлганлигини англатади. Шу пайт Шарқий дарвозадан

оломон Фирдавсийнинг тобутини олиб чиқарди. Карвон Тусга биров кечикиб келди ва Фирдавсийга шоҳнинг марҳаматини топширишга улгурмади.

Буюк немис шоири Ҳ.Ҳайненинг назм аҳлининг султони А.Фирдавсий ва ижодининг гултожиси “Шоҳнома”га бўлган қайноқ муносабати Европа адабиёти мухлисларини чексиз хурсанд этади. Унинг буюк Фирдавсийга бефарқ эмаслиги, унга тақлид қилиб Европа поэзиясига ёт шакл-маснавийда шеърлар битгани Фирдавсий мухлисларини ҳайратлантиради, шу аснода кўнглини тоғдек кўтаради.

Шу ўринда Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Индира Гандининг “Ҳаёт тажрибам шунга ўргатдики, агар одамлар сизга қарши бирор нима қилсалар, у сизга албатта фойда келтиради” деган сўзлари ёдимизга тушади. Шунга монанд бир фикр ҳаёлга келади: султон Маҳмуд “Шоҳнома”ни айблаб, шоирни қатл этишга буюриб, китобнинг шуҳрату овозасини янада ошириб юборди, агар султон Маҳмуд Ғазнавий “Шоҳнома”ни қабул қилиб, Фирдавсийни сийлаб, ваъда қилинган тилло тангаларни берганда, “Шоҳнома”нинг ижодкори шунчалик шуҳратга эга бўла олармиди? Ёки султонга ёзган ҳажвияси Фирдавсийнинг машҳур бўлишига сабаб, туртки бўлганми? Ажаб эмас, ҳажвия Ҳайне эътиборини тортган бўлса!

Адабиётлар:

1. <https://comen.wikimedia.org/wiki/Category:Ferdowsi>
2. Таржима ва санъати / Тўпловчи: Т.Жўраев. Мақоалалар тўплами. 5-китоб. –Т., Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
3. Heinrich Heine. In fünf Bänden. Erster Band. Gedichte. Aufbau-Verlag und Weimar. 1970. 233-239.
4. Генрих Гейне. Лирика. Русчадан Хайриддин Салоҳ таржималари. –Т., 1973.
5. Ҳайнрих Ҳайне. Бир қиз куйлар. Таржималар. Тўпловчи, Эргаш Очилов. –Т., 2012.
6. Генрих Гейне. Стихи. Перевод с немецкого. Государственное издательство художественной литературы. – М., 1954.
7. Heinrich Heine. Gedichte. Aufbau-Verlag Berlin .1962.
8. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnash. 2010.
9. Акбаров Азиз. Немис адабиётида Абулқосим Фирдавсий қисматининг бадиий талқинлари. ФарДУ илмий хабарлари. N2, 2019.
10. Фирдавсий “Шоҳнома” (Улугзода Сотим. Насрий баён). –Т.: Фан , 1993.
11. Акбаров Азиз. Фирдавсий тақдири Ҳайнрих Ҳайне талқинида. / ФарДУ илмий хабарлари. -2019. -№6,

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)